

«ДОРИ-ДАРМОН» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Хурматли акциядорлар!

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси акциядорларининг 2024 йил 3 октябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қарорига асосан Компания Устав фондининг миқдорини кўпайтириш мақсадида номинал қиймати 4 300 сўм бўлган эгасининг номи ёзилган 4 225 430 (тўрт миллион икки юз йигирма беш минг тўрт юз ўттиз) дона ҳужжатсиз шаклдаги оддий қўшимча акцияларнинг чиқарилуви Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2024 йил 22 октябрда P0778-8 сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини маълум қиламиз.

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан Компания акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этиш билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан Компаниянинг оддий акциялари эгаларига қўшимча чиқарилган акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Компания акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати **2024 йил 3 октябрь** ҳолатига шакллантирилган компания акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Қўшимча чиқарилган акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларга ва инвесторга **9 400,00 (тўққиз минг тўрт юз) сўмдан** жойлаштирилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Компанияга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Компанияга тақдим этилиши керак.

Мазкур чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга шахслар томонидан акциялар сотиб олинаётганда тўловлар қонунчиликда белгиланган тартибда хорижий валютада амалга оширилиши мумкин.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддатида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Тўловлар жисмоний шахслар томонидан нақд пул ва нақдсиз (пластик карталар), юридик шахслар томонидан пул ўтказиш йўли билан нақдсиз шаклда амалга оширилади.

Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Тўловлар пул ўтказиш йўли билан нақдсиз шаклда амалга оширилади.

Тўловлар пул ўтказиш йўли билан нақдсиз шаклда Эмитентнинг қуйидаги ҳисобварағига амалга оширилади.

Т/р	Валюта номи	Ҳисобварақлар	Банк реквизитлари
1	Миллий валюта (UZS)	2020 8000 3001 0932 6001	Банк номи – Ўзмиллийбанк «Мирзо – Улўғбек» БХМ Банк коди – 00450 , СТИРИ – 200 836 354 , SWIFT – NBFAUZ2X , Банк манзили – Тошкент шаҳри, Мирзо – Улўғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 66
2	АҚШ доллари (USD)	2020 8840 6001 0932 6001	
3	Евро (EURO)	2020 8978 0001 0932 6001	
4	Рубль (RUB)	2020 8643 9001 0932 6002	

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси акциядорлари имтиёзли олишга ҳақли бўлган оддий акциялар сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$A / 20\,072\,000 = B;$$

$$4\,225\,430 * B = C.$$

Бунда:

20 072 000 – Компания устав капиталидаги оддий акциялар сони;

4 225 430 – қўшимча чиқарилган оддий акциялар умумий сони;

A – акциядорнинг Компания устав капиталидаги оддий акциялари сони;

B – акциядорга тегишли акцияларнинг Компания устав капиталидаги жами оддий акциялар сонига нисбати;

C – имтиёзли ҳуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан имтиёзли сотиб олиниши мумкин бўлган оддий акциялар сони.

Қолдиқ хосил бўлган холларда, қолдиқ сон 5 (беш) га тенг ва ундан ортиқ бўлса кўпайган томонга, 5 (беш) дан кам бўлса камайган томонга яхлитланади.

Акциядорлар, қўшимча маълумотлар олиш учун Компанияга мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (+998 71) 281-41-74